

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЁШЛАРНИНГ ЎҚУВ КУРСЛАРИ,  
ПРОФЕССИОНАЛ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎҚИШ  
ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2024

**Ёшларнинг ўқув курслари, профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш харажатларини қоплаш бўйича услубий қўлланма.** Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 20 б.

Тузувчилар: А. Ёдгаров

Р. Расулбекова

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада ёшларнинг ўқув курслари, профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш харажатларини қоплаш тартиби содда тилда баён этилган.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

## МУНДАРИЖА

<i>Кириш</i> .....	3
<i>Ёшларнинг ўқув курслари, профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш харажатларини қоплашни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари</i> .....	4
<i>Ёшларнинг ўқув курслари, профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш харажатларини қоплашда қатнашувчилар</i> 5	
<i>Ёшларнинг ўқув курслари, профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш харажатларини қоплашнинг турлари</i> .....	6
<i>Харажатларни қоплаш ёки субсидия ажратиш учун мурожаат қилиш</i> .....	8
<i>Иловалар</i> .....	12

## КИРИШ

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва инвестициялар жалб қилиш борасида қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳалаларда аҳоли яшаш шароитини яхшилаш ҳамда жамиятда маҳаллаларнинг ролини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани аҳамиятлидир.

Хусусан, аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз” ва бошқа ижтимоий дастурлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, давлат томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш учун тадбиркорликка қизиқувчи ёшларни бизнес ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ҳамда ёшларнинг янги ғоялар асосида ишлаб чиқилган инновацион, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш тизимида тинимсиз ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини гувоҳимиз.

Ушбу қўлланмада ёшларнинг ўқув курслари, профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш ҳамда яқунлари бўйича махсус сертификатлар қўлга киритиш билан боғлиқ харажатларини давлат томонидан қоплаш тартиби ва механизми, бошқа орган ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, шунингдек ушбу кафолатдан фойдаланиш учун қаерга, қай тартибда мурожаат қилиш тартиби содда тилда очиб берилган.

Қўлланма аҳоли ва маҳалладаги масъул ходимлар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

**ЁШЛАРНИНГ ЎҚУВ КУРСЛАРИ, ПРОФЕССИОНАЛ ВА ОЛИЙ  
ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎҚИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ  
ҚОПЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК  
ҲУЖЖАТЛАРИ**

<p>Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” қонуни</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ““Ўзбекистон — 2030» стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 февраль “Халқаро IT-сертификатларга эга бўлган ёш мутахассисларни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июнь “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрель “Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарори</p>	

## ЁШЛАРНИНГ ЎҚУВ КУРСЛАРИ, ПРОФЕССИОНАЛ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎҚИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШДА ҚАТНАШУВЧИЛАР



**Ёшлар (ёш фуқаролар)** — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар

Ёшлар етакчиси лавозими Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалларда ёшлар билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарорига асосан жорий этилган.



Ёшлар етакчиси



Ҳоким ёрдамчиси

Ҳокимининг ёрдамчиси лавозими Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ-31-сон қарори билан ташкил этилган.



Ёшларнинг ўқув курслари, профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш харажатларини қоплашнинг айрим турларида, хусусан, қуйидаги **биринчидан бешинчигача** бўлган тартиб рақамдаги субсидияларни олишда ариза берувчи **«Ёшлар дафтари»**га кирган бўлиши талаб қилинади.

## ЁШЛАРНИНГ ЎҚУВ КУРСЛАРИ, ПРОФЕССИОНАЛ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎҚИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШНИНГ ТУРЛАРИ

1

Ёшларни тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш курслари харажатларини қоплаш

Ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

2

3

Ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

Ёшларга профессионал ва олий таълим ташкилотлари ўқувчи-талабаларининг таълим тўлов-контракт суммасининг бир қисмини тўлаб бериш

4

5

Ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун субсидия ажратиш

Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш

6

7

Ёшларнинг халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларини қоплаб бериш



## БУНИ БИЛИШ МУҲИМ

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 75 фоизигача қисми, бироқ бир ойгача, бир ойдан икки ойгача, икки ойдан ортиқ муддатли ўқув курслари учун тегишлича БҲМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми қоплаб берилади.

Республикамиздаги профессионал таълим ташкилотларида таълим олаётган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган барча олий таълим ташкилотларида (давлат, нодавлат олий таълим ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий олий таълим ташкилотлари ва хорижий олий таълим ташкилотларининг филиалларида) бакалавриятнинг кундузги, сиртқи ва кечки шаклида, магистратуранинг кундузги йўналишида таълим олаётган ўқувчи-талабаларга тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатларининг 50 фоизигача, бироқ БҲМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади (иккинчи ва ундан кейинги мутахассислик, қўшма таълим дастурлари бўйича, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида таълим олаётганлар бундан мустасно).

Ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларни ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича олти ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида субсидия ажратилади.

Бунда ариза берувчига «1+1» тамойили асосида бир вақтнинг ўзида замонавий касб ёки ахборот технологиялар ўқув курси билан биргаликда хорижий тил ўқув курсида ўқиш харажатлари учун ҳам субсидия ажратилиши мумкин.



## ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ ЁКИ СУБСИДИЯ АЖРАТИШ УЧУН МУРОЖААТ ҚИЛИШ



*“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг ўқув курслари, профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш харажатларини қоплаш учун “Ёшлар дафтари” жамғармаси васийлик кенгашига қуйидаги тартибда мурожаат қилинади:*



Ҳоким ёрдамчиси



Ариза берувчининг ўқув курсида ўқиётганлигини доимий мониторинг қилиб боради



Ёшлар етакчиси




*Ўрганиш жараёнида ариза берувчи ўқув курсида ўқимаётганлиги аниқланган тақдирда, ҳоким ёрдамчиси/ёшлар етакчисининг тақдимномасига асосан ўқув курси харажатларини қоплаш/субсидия бериш тўхтатилади.*



## Ёшларга алоҳида турдаги ўқув курслари ва махсус сертификатлар олиш харажатларини қоплаш тартиби

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ** — халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл

(даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб беради. (Имтиҳон топшириш харажати компенсация қилинадиган халқаро имтиҳон тизимлари рўйхати – 2-иловада)



**МУРОЖААТ**  
(Сўровнома-3-иловада)



Илова қилинади:

- а) имтиҳон топшириш харажати тўланганини тасдиқловчи тўлов квитанцияси (pdf форматда);
- б) махсус сертификат (pdf форматда)

Давлат хизматлари маркази (ўзи келган холда)



Ягона интерактив давлат хизматлари портали (электрон)

### ЁДДА ТУТИНГ

Ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади

**БУ МУХИМ**

Верификация\* ёки ваколатли хорижий ташкилотга юборилган сўров натижасига кўра махсус сертификатнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланганда;

Ваколатли хорижий ташкилотга юборилган сўровга жавоб олинмаганда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан махсус сертификатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш рад этилади ва **компенсация тўланмайди**



**\*Верификация** – ариза берувчи томонидан тақдим этилган махсус сертификатнинг ҳақиқийлигини масъул ваколатли ташкилотнинг электрон тизими орқали текшириш.

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР**

Ариза берувчи томонидан сўровномада нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши давлат хизмати кўрсатишни **рад этиш учун асос** ҳисобланади.  
Давлат хизмати кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

**Қуйидаги шартлар тўлиқ бажарилганда, ариза берувчига компенсация тўлаб берилади:**

имтиҳонларнинг бири ёки бир нечтаси бўйича имтиҳон топшириш харажати компенсация қилиниши учун **тўпланиши лозим бўлган юқори балл (даража)нинг минимал кўрсаткичи ёки ундан юқори натижа** қайд этилганда

махсус сертификат берилган санадан бошлаб **180 календарь кун ўтмасдан** компенсация тўлашни сўраб ушбу Регламентда белгиланган тартибда мурожаат қилганда

махсус сертификатда кўрсатилган **ИМТИХОН натижасининг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги** Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тасдиқланганда

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ВАЗИРЛИГИ** — ёшларнинг халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларини қоплаб беришда ваколатли орган.

халқаро IT- сертификатларга эга бўлган ёшларнинг ўқиши ҳамда ушбу сертификатларни олиш харажатларининг 60 фоизгача бўлган қисмини қоплаб бериш

инглиз тили бўйича B2 ва ундан юқори даражага эга бўлган ёшларнинг профессионал даражадаги халқаро IT- сертификатларни олиш ҳамда ўқиш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш

Профессионал даражадаги халқаро IT-сертификатга эга бўлган ёшларнинг мазкур сертификатни олиш харажатларини тўлиқ қоплаб беришда талаб этиладиган инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи сертификатлар рўйхати 4-иловада.



МУРОЖААТ



Ягона интерактив давлат  
хизматлари портали  
(электрон сўровнома 5 -иловада)

**ИЛОВА  
ҚИЛИНАДИ:**



- ✓ халқаро IT-сертификат нусхаси (pdf шаклида);
- ✓ ариза берувчининг халқаро IT-сертификатни олиш харажатларини тасдиқловчи тўлов квитанцияси нусхаси (pdf шаклида);
- ✓ қопланиши зарур бўлган маблағлар йўналтириладиган актив ҳолатда бўлган миллий валютадаги банк пластик картасига оид маълумотлар;
- ✓ ариза берувчи халқаро IT-сертификатни олиш харажати тўлиқ қоплаш бўйича сўровнома тўлдираётган бўлса, инглиз тили бўйича B2 ва ундан юқори даражага эгаллигини тасдиқловчи халқаро сертификат нусхаси (pdf шаклида);
- ✓ ариза берувчи халқаро IT-сертификатни олиш учун ўқув курсига сарфлаган харажатларни қоплаш бўйича сўровнома тўлдираётган бўлса, халқаро IT-сертификатни олиш учун ўқиганлигини ва ўқув курсини тамомлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (pdf шаклида).

## АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

- халқаро IT-сертификат берилган санадан бошлаб 180 календарь кун мобайнида мурожаат қилиши лозим.
- халқаро IT-сертификат олиш харажатларини тўлиқ қоплаш бўйича сўровнома юбориш вақтида инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи сертификатнинг амал қилиш муддати тугамаган бўлиши лозим;
- Ариза берувчининг халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларининг 60 фоизигача бўлган қисмини қоплаб беришда инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи сертификат талаб этилмайди;
- Халқаро IT-сертификатга эга бўлмасдан туриб, ариза берувчининг халқаро IT-сертификат олиш учун ўқув курсига сарфлаган харажатлари қопланишига йўл қўйилмайди.

## Иловалар

**1-илова:**

### «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш курслари харажатларини қоплаш

#### СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи*	Тадбиркорликка ва касб-хунар ўқув курслари харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига мурожаат қилиб, ўзи ва таълим ташкилоти ўртасида тузилган шартнома нусхасини тақдим этади.	Ўқишни бошлашдан олдин
2-босқич	Васийлик кенгаши	Мурожаатни унга илова қилинган шартнома билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ҳоким ёрдамчисига кўриб чиқиш учун юборади.	3 иш куни ичида
3-босқич	Ҳоким ёрдамчиси	Ариза берувчининг мурожаатини кўриб чиқиш ва ўқиш харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда, субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асослантирилиши талаб этилади.	5 иш куни ичида
	Васийлик кенгаши	Ҳоким ёрдамчиси томонидан белгиланган муддатда ариза берувчининг ўқиш харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақида хабарнома берилмаса ёки асоссиз рад этилганлиги аниқланса, Васийлик кенгаши ариза берувчининг мурожаатини қаноатлантиради.	5 иш куни ичида
4-босқич	Васийлик кенгаши	Ўқиш харажатларини қоплаш ҳақида қарор қабул қилиб, ўқув курси учун белгиланган маблағларни таълим ташкилотининг ҳисобварағига ўтказиб беради.	3 иш куни ичида
5-босқич	Ҳоким ёрдамчиси	Ариза берувчининг ҳақиқатда ўқув курсида ўқиётганлигини мониторинг қилиб боради.	Ҳар ойда камида бир марта

\* «Ёшлар дафтари»га киритилган қуйидаги тоифадаги ёшларга тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқиш курслари харажатлари қоплаб берилади:

1. «Темир дафтар»га киритилган оила фарзанди;
2. «Аёллар дафтари»га киритилган аёллар фарзанди;
3. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила фарзанди (шахс);
4. Ишсиз ёш фуқаро.

### «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш харажатларини қоплаш

#### СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи*	Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш бўйича ўқув курслари харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига ўзи ва	Ўқишни бошлашдан олдин

		таълим ташкилоти ўртасида тузилган шартнома нусхасини тақдим этган ҳолда мурожаат қилади.	
2-босқич	Васийлик кенгаши	Мурожаатни унга илова қилинган шартнома билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ёшлар етакчисига кўриб чиқиш учун юборади.	3 иш куни ичида
3-босқич	Маҳалладаги ёшлар етакчиси	Ариза берувчининг ўқиш харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда, рад этиш сабаблари асослантирилиши талаб этилади.	5 иш куни ичида
	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчиси томонидан белгиланган муддатда ариза берувчининг ўқиш харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақида хабарнома берилмаса ёки асоссиз рад этилганлиги аниқланса, Васийлик кенгаши ариза берувчининг мурожаатини қаноатлантиради.	5 иш куни ичида
4-босқич	Васийлик кенгаши	Ўқиш харажатларини қоплаш ҳақида қарор қабул қилиб, ўқув курси учун белгиланган маблағларни таълим ташкилотининг ҳисобварағига ўтказиб беради.	3 иш куни ичида
5-босқич	Маҳалладаги ёшлар етакчиси	Ариза берувчининг ҳақиқатда ўқув курсида ўқиётганлигини мониторинг қилиб боради.	Ҳар ойда камида бир марта

\* «Ёшлар дафтари»га киритилган қуйидаги тоифадаги ёшларга Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатлари қоплаб берилади:

1. «Темир дафтар»га киритилган оила фарзанди.
2. «Аёллар дафтари»га киритилган аёллар фарзанди.
3. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила фарзанди (шахс).
4. «Меҳрибонлик» уйлари, Болалар шаҳарчалари ва оилавий болалар уйларида тарбияланган ёш фуқаро.
5. Оиласи кам таъминланган ишсиз ёш фуқаро.

### **«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга профессионал ва олий таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг таълим тўлов-контракт суммасининг бир қисмини тўлаб бериш**

#### СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи*	Тўлов-контракт харажатларининг бир қисмини тўлаб беришни сўраб туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт) нусхасини тақдим этган ҳолда ариза беради.	«Ёшлар дафтари»га киритилгандан сўнг
2-босқич	Васийлик кенгаши	Мурожаатни унга илова қилинган шартнома билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ёшлар етакчисига кўриб чиқиш учун юборади.	3 иш куни ичида
3-босқич	Маҳалладаги ёшлар етакчиси	Ариза берувчининг тўлов-контракт харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда тўлов-контракт харажатларини қоплашни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда, рад этиш сабаблари асослантирилиши талаб этилади.	5 иш куни ичида
			5 иш куни ичида

	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчиси томонидан белгиланган муддатда ариза берувчининг тўлов-контракт харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақида хабарнома берилмаса ёки асоссиз рад этилганлиги аниқланса, Васийлик кенгаши ариза берувчининг мурожаатини қаноатлантиради.	
--	------------------	--	--

4-босқич	Васийлик кенгаши	Тўлов-контракт харажатлари профессионал таълим ташкилоти ёки олий таълим ташкилотининг ҳисобрақамига ўтказилади.	3 иш куни ичида
----------	------------------	--	-----------------

\* «Ёшлар дафтари»га киритилган қуйидаги тоифадаги ёшларга тўлов-контракт суммасининг бир қисми қоплаб берилади:

1. Темир дафтар»га киритилган оиланинг профессионал ёки ОТМда таълим олаётган фарзанди.
2. «Аёллар дафтари»га киритилган аёлларнинг профессионал ёки ОТМда таълим олаётган фарзанди.
3. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»АТга киритилган оиланинг профессионал ёки ОТМда таълим олаётган фарзанди.
4. Меҳрибонлик» уйи ёки Болалар шаҳарчасида тарбияланган ўқувчи-талаба.
5. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, васийликка олинган кам таъминланган ўқувчи-талаба.
6. Оила боқувчиларининг камида биттаси биринчи гуруҳ ёки ҳар иккаласи иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган кам таъминланган оиланинг профессионал ёки ОТМда таълим олаётган фарзанди.
7. Ногиронлиги ёки саломатлигида нуқсонли бўлган ўқувчи-талаба;
8. Оиласи кам таъминланган талаба.

**«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг замонавий касбларни эгаллаш, ахборот технологияларини ўрганиш ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш**

**СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи*	Замонавий касбларни эгаллаш, ахборот технологияларини ўрганиш ва хорижий тилларга ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишни сўраб туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига нодавлат таълим ташкилоти билан тузилган шартнома нусхасини тақдим этган ҳолда ариза беради.	1 иш куни ичида
2-босқич	Васийлик кенгаши	Мурожаатни унга илова қилинган шартнома билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ёшлар етакчисига кўриб чиқиш учун юборади.	3 иш куни ичида
3-босқич	Маҳалладаги ёшлар етакчиси	Ариза берувчининг ўқиш харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда, рад этиш сабаблари асослантририлиши талаб этилади.	5 иш куни ичида
	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчиси томонидан белгиланган муддатда ариза берувчининг ўқиш харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақида хабарнома берилмаса ёки асоссиз рад этилганлиги аниқланса, Васийлик кенгаши ариза берувчининг мурожаатини қаноатлантиради.	5 иш куни ичида
4-босқич	Васийлик кенгаши	Ўқиш харажатларини қоплаш ва ўқув курси учун белгиланган маблағларни таълим ташкилотининг ҳисобрақамига ўтказиб беради.	3 иш куни ичида
5-босқич	Маҳалладаги ёшлар етакчиси	Ариза берувчининг ўқув курсида ўқиётганлигини мониторинг қилиб боради.	Ҳар ойда камида бир марта

\* «Ёшлар дафтари»га киритилган қуйидаги тоифадаги ёшларга замонавий касбни эгаллаш, ахборот технологияларини ўрганиш ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратилади:

1. Оила аъзоси «Темир дафтар»га, «Аёллар дафтари»га ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»АТга киритилган ёш фуқаро.
2. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёш фуқаро.
3. Боқувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёш фуқаро.
4. I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёш фуқаро.
5. «Меҳрибонлик» уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оилавий болалар уйида тарбияланган ёш фуқаро.
6. Ишсиз ёш фуқаро.
7. Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ёш фуқаро.

**«Ёшлар дафтари»га киритилган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун субсидия ажратиш**

**СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи*	Илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курсида ўқиш учун субсидия ажратишни сўраб, туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига нодавлат таълим ташкилоти ўртасида тузилган шартнома нусхасини тақдим этган ҳолда, ариза беради.	1 иш куни ичида
2-босқич	Васийлик кенгаши	Мурожаатни унга илова қилинган шартнома билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ёшлар етакчисига кўриб чиқиш учун юборади.	3 иш куни ичида
3-босқич	Маҳалладаги ёшлар етакчиси	Ариза берувчининг ўқиш харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда, рад этиш сабаблари асослантирилиши талаб этилади.	5 иш куни ичида
	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчиси томонидан белгиланган муддатда ариза берувчининг ўқиш харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақида хабарнома берилмаса ёки асоссиз рад этилганлиги аниқланса, Васийлик кенгаши ариза берувчининг мурожаатини қаноатлантиради.	5 иш куни ичида
4-босқич	Васийлик кенгаши	Ўқиш харажатларини қоплаш ва ўқув курси учун белгиланган маблағларни таълим ташкилотининг ҳисобрақамига ўтказиб беради.	3 иш куни ичида
5-босқич	Маҳалладаги ёшлар етакчиси	Ариза берувчининг ўқув курсида ўқиётганлигини мониторинг қилиб боради.	Ҳар ойда камида бир марта

\* «Ёшлар дафтари»га киритилган қуйидаги тоифадаги ёшларга илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун субсидия ажратилади:

1. Оила аъзоси «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»АТга киритилган ёш фуқаро.
2. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёш фуқаро.
3. Боқувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёш фуқаро.
4. I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёш фуқаро.
5. «Меҳрибонлик» уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оилавий болалар уйида тарбияланган ёш фуқаро.
6. Ишсиз ёш фуқаро.
7. Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ёш фуқаро.



**Имтиҳон топшириш харажати компенсация қилинадиган халқаро имтиҳон тизимлари**  
**РЎЙХАТИ**

T/P	Халқаро имтиҳон тизимларининг номи	Билиш даражаси аниқланадиган хорижий тил	Умумий имтиҳон балли (даражаси)	Имтиҳон топшириш харажати компенсация қилиниши учун тўпланиши лозим бўлган юқори баллнинг (даражанинг) минимал кўрсаткичи	Имтиҳон топшириш харажати компенсация қилувчи
<b>2021 йил 1 майдан бошлаб имтиҳон топшириш харажати компенсация қилинадиган халқаро имтиҳон тизимлари</b>					
1.	International English Language Testing System (IELTS)	Инглиз тили	1 — 9	7	Ёшлар ишлари агентлиги
2.	Test of English as a Foreign Language internet Based Test (TOEFL) iBT	Инглиз тили	0 — 120	94	
3.	Graduate Management Admission Test (GMAT)	-	Verbal/Quantative (200 — 800)  Integrated reasoning (1 — 8)  Analytical writing (0,5 — 6)	Имтиҳон натижалари (Verbal/Quantative) бўйича нисбат кўрсаткичи (percentile) 75 ва ундан юқори бўлганда	
4.	Graduate Record Examinations (GRE)	-	Verbal (0 — 170)  Quantative (0 — 170)  Writing (0,5 — 6)	Имтиҳон натижаларининг ҳар бири (Verbal, Quantative, Writing) бўйича нисбат кўрсаткичи (percentile) 75 ва ундан юқори бўлганда	
5.	Scholastic Assessment Test (SAT)	-	400 — 1600	1200	
<b>2022 йил 1 январдан бошлаб имтиҳон топшириш харажати компенсация қилинадиган халқаро имтиҳон тизимлари</b>					
6.	Cambridge Assessment English (CAE, CPE, BEC)	Инглиз тили	A1-C1	C1 (CAE advanced, CPE proficiency, BEC higher)	Ёшлар ишлари агентлиги
7.	Test DAF	Немис тили	TDN 3 — 5	TDN 4	
8.	Goethe-Zertifikat	Немис тили	A1-C1	C1	
9.	DELTA/DALF	Француз тили	DELTA A1-DALF C2	DALF C1	
10.	Test de Connaissance du Français (TCF)	Француз тили	A1-C1	C1	
11.	DELE/SIELE	Испан тили	A1-C1	C1	
12.	CELI/CILS/AIL	Италян тили	-	CELI 4, CILS Tre, DALI C1	

13.	Türkçe Yeterlik Sınavı (TYS)	Турк тили	A1-C1	C1 (71 — 88)
14.	Test of Proficiency in Korean (TOPIK I-II)	Корейс тили	Level 1 — 6	Level 5 (190 — 229)
15.	Japanese-Language Proficiency Test (JLPT)	Япон тили	N5-N1	N2
16.	Chinese Proficiency Test (HSK)	Хитой тили	HSK 1 — 6	HSK 5
17.	ALPT/APT/E-TOAFL/ACTFL	Араб тили	A1-C1	C1
18.	Test of Russian as a Foreign Language (TORFL/ТРКИ)	Рус тили	A1-C1	ТРКИ III-IV (C1)

**3-илова:**

**Компенсация олиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун  
СЎРОВНОМА**

Ариза т/р	Қабул қилиш санаси	Қабул қилган шахс	Компенсация олиш учун Халқ банки филиали
-	-	-	-
<b>I. Ариза берувчи ҳақида маълумот:</b>			
1.1. Ф.И.О.:			-
1.2. Туғилган санаси:			кун/ой/йил
1.3. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) (мавжуд бўлса):			-
1.4. Телефон рақами:			-
1.5. Электрон почта манзили:			-
1.6. Яшаш жойи:			Туман (шаҳар), вилоят, республика
<b>II. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс ва унинг қонуний вакили ҳақидаги маълумотлар:</b>			
2.1.1. Ўн олти ёшга тўлмаган шахснинг Ф.И.О.:			-
2.1.2. Туғилган санаси:			йил/кун/ой
2.1.3. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома рақами:			-
2.2.1. Боланинг қонуний вакили Ф.И.О.:			-
2.2.2. Шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР):			-
2.2.3. Телефон рақами:			-
2.2.4. Электрон почта манзили:			-
2.2.5. Яшаш жойи:			Туман (шаҳар), вилоят, республика
<b>III. Имтиҳон ҳақидаги маълумотлар</b>			
3.1. Имтиҳон тури	3.2. Имтиҳон топшириш харажати суммаси	3.3. Сертификат №	3.4. Қайд этилган балл/даража
(танланади)	(имтиҳон турига қараб автоматик ҳисобланади)	-	-
3.5. Сертификат нусхаси (илова қилинади)	3.6. Чек/шартнома нусхаси (илова қилинади)	3.7. Тест топширилган сана	3.8. Масъул ваколатли ташкилот (имтиҳон олувчи марказ) коди/номи

**Профессионал даражадаги халқаро IT-сертификатга эга бўлган ёшларнинг мазкур сертификатни олиш харажатларини тўлиқ қоплаб беришда талаб этиладиган инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи сертификатлар**

**РЎЙХАТИ**

Т/р	Сертификат номи	Мувофиқлик даражаси		
		Common European Framework of References (CEFR)		
		B2	C1	C2
1.	<i>International English Language Testing System (IELTS)</i>	5.5 — 6.5	7.0 — 8.0	8.5 — 9.0
2.	<i>Test of English as a Foreign Language (TOEFL iBT)</i>	72 — 94	95 — 113	114 — 120
3.	<i>Test of English as a Foreign Language (TOEFL iTP)</i>	543 — 626	627 — 677	
4.	<i>Cambridge Assessment English</i>	(FCE) 160+	(CAE) 180+	(CPE) 200+

*Изоҳ: Рақамли технологиялар вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги билан келишилган ҳолда, инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи халқаро тан олинган сертификатлар рўйхатиغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.*

**Ёшларнинг халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларини қоплаб бериш бўйича**

**СЎРОВНОМА**

<b>1.</b>	<b>Ким томонидан тўлдирилмоқда</b>	
	Ариза берувчининг ота-онаси ёки қонуний вакили (агар фуқаро 16 ёшга тўлмаган бўлса)	Ариза берувчининг ўзи (ўттиз ёшдан ошмаган фуқаролар)
<b>2.</b>	<b>Сарфланган харажатлар тури</b>	
	IT-сертификат учун тўлов пули	Ўқув курси ва IT-сертификат учун тўлов пули
<b>3.</b>	<b>Давлат хизмати тури</b>	
	60 фоизгача	Тўлиқ қоплаш
	(фақат халқаро IT-сертификат мавжуд бўлган тақдирда)	(инглиз тили бўйича B2 ва ундан юқори халқаро сертификат ва профессионал халқаро IT-сертификат мавжуд бўлган тақдирда)
<b>I. Ариза берувчи ҳақида маълумот</b>		
1.1.	Ф.И.О.:	
1.2.	Туғилган санаси:	
1.3.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):	
1.4.	Яшаш жойи манзили:	
1.5.	Телефон рақами:	
1.6.	Электрон почтаси:	
1.7.	Шахсий банк пластик картаси рақами:	
1.8.	Банк коди:	
1.9.	Банк СТИРи:	
1.10.	Банк транзит рақами:	
<b>II. Ота-онаси ёки қонуний вакил тўғрисида маълумот</b>		
(ота-онаси ёки қонуний вакил тугмасини белгилаган фуқаролар учун)		
2.1.	Халқаро IT-сертификат олган 16 ёшга тўлмаган фуқаронинг Ф.И.О.:	
2.2.	Туғилган санаси:	
2.3.	Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома серияси ва рақами:	
2.4.	Ота-онаси ёки қонуний вакилининг Ф.И.О.:	
2.5.	Ота-онаси ёки қонуний вакилининг ЖШШИР:	

2.6.	Яшаш манзили:
2.7.	Телефон рақами:
2.8.	Электрон почтаси:
2.9.	Ота-онаси ёки қонуний вакилининг банк пластик картаси рақами:
2.10.	Банк коди:
2.11.	Банк СТИРи:
2.12.	Банк транзит рақами:
<b>III. Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар</b>	
3.1.	Халқаро IT-сертификат олинган сана (сертификат берилган санадан бошлаб 180 календарь кундан ошмаган бўлиши лозим)
3.2.	Халқаро IT-сертификатни тақдим этган ташкилот номи
3.3.	Халқаро IT-сертификат тури
3.4.	Халқаро IT-сертификат нусхасини юклаш
3.5.	Халқаро IT-сертификатни олиш харажатларини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини юклаш
<b>Ўқув курси учун харажатларни қоплаш</b>	
(Ўқув курслари учун харажатлар қопланаётган тақдирда)	
3.6.	Халқаро IT-сертификатни олиш учун ўқув курсида ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини юклаш
<b>Инглиз тили бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги ҳамда профессионал даражадаги халқаро IT-сертификатга эга бўлган ёшларнинг халқаро IT-сертификатни олиш харажатларини тўлиқ қоплаш</b>	
3.7.	Имтиҳон тури
3.8.	Олинган сертификатнинг рўйхатдан ўтказилган рақами
3.9.	Халқаро имтиҳондан сертификат олинган сана
3.10.	Имтиҳон ўтказган ташкилот
3.11.	Инглиз тилидан B2 ва ундан юқори даражага эгаллигини тасдиқловчи сертификат нусхасини юклаш